

Эй Аллоҳнинг расули, сиз қаттиқ иситмалаяпсиз-а?

17:10 / 23.11.2017 3597

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кирсам, у зот иситмалаб ётган эканлар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз қаттиқ иситмалаяпсиз-а?» десам, у зот: **«Ҳа, мен сизлардан икки киши иситмалагани каби иситма бўламан»**, дедилар. «Унда сизга икки ажр бўладими?» десам, у зот: **«Ҳа шундай, шу сингари бирор мусулмонга азият етса, тиконми ёки ундан каттароғими, у билан Аллоҳ ёмонликларини ўчириб, гуноҳларини худди дарахт баргини тўкканидек унинг гуноҳлари тўкилади»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.